

THE ROLE OF ART OF TRANSLATION IN THE DEVELOPMENT OF WESTERN AND EASTERN LINGUISTICS

Ruslan Rajabmurodovich RADJABOV¹
**Lecturer of the Department of Foreign
Languages in Natural Sciences
Bukhara State University,
Sh. MAKHMUDOVA²**
Student of the Bukhara State University

Abstract

National literature is the main means of communicative relation, which can have an impact not only on its own borders, but also on the literature of other nations, leaving its mark on world literature. The vivid expression of inter-literary interactions is undoubtedly evident in the field of translation.

Key words: Communicative communication, literary translation, culture, intercultural communication, national literature, literature and esthetic phenomena, linguistics.

ҒАРБ ВА ШАРҚ ТИЛШУНОСЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРЖИМАШУНОСЛИК САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ruslan Rajabmurodovich RADJABOV¹
Бухоро давлат университети
Табиий йўналишларда чет
тили кафедраси ўқитувчиси
Ш. МАХМУДОВА²
Бухоро давлат университети талабаси

Аннотация. Миллий адабиёт ўз сарҳадларида эмас, балки бошқа халқлар адабиётига ҳам таъсир кучини ўтказиб, ўз изини дунё адабиётига қолдира оладиган, яъни коммуникатив мулоқотни таъминлайдиган асосий восита ҳисобланади. Адабиётлараро ўзаро таъсирларнинг ёрқин ифодаси шубҳасиз таржимачилик соҳасида аниқ кўринади.

Калит сўзлар: коммуникатив мулоқот, бадиий таржима, маданият, маданиятлараро мулоқот, миллий адабиёт, бадиий–эстетик ҳодисалар, тилшунослик

Айнан таржима турли маданиятларни англаш ва тушуниш жараёнини, улар ўртасидаги алоқаларни амалга оширишда асосий роль ўйнайди. Ҳар бир тилда у билан гаплашадиган одамларнинг миллий-маданияти, тарихи, менталитети хусусиятлари акс эттирилган ҳар бир бадиий матн маълум бир маданият ривожланиши асосида юзага келади. Биз биламизки, бадиий таржиманингсиёсий, тарбиявий, ғоявий ва эстетик аҳамияти ҳамда маърифатпарварлик ролининг бундан кейин ҳам тобора ошиб боравериши давр, замон талабидан келиб чиқади. Ҳозирги давр талабидан келиб чиқадиган бўлсак, давлатлар ўртасида таржима, адабиёт, маънавият, урф-одатларнинг янги қирралари пайдо бўлади ва ривож топади. Француз ва ўзбек бадиий таржиманинг ривожланиши икки тил таржимашунослиги учун ҳам ўзига хос воқеа десак муболаға бўлмайди. Фикримизнинг исботи ўлароқ юртбошимизнинг ўзбек адабиёти намуналарини бевосита чет тилларига таржима қилишга бўлаётган эътиборлари бу соҳада олиб борилаётган ишларни жонлантириб юборди. Бир қанча ўзбек ёзувчиларининг асарлари, қиссалари ва ҳикоялари француз тилига ўгирилди, аммо таржимашунослик соҳасида тадқиқот олиб бораётган изланувчи сифатида ўзбек тилидан француз тилига бевосита ағдарилган бирор бир салмоқли асарнинг йўқлиги мени ўйлантириб келарди. Чунки замонавий таржимашуносликда тадқиқотнинг айнан ўзбек тилидан бевосита чет тилига таржималар тадқиқига бағишланиши маъқул, албатта. Шу маънода, француз таржимони

Стефан Дюдуанон томонидан ўзбек тилидан бевосита французчага таржима қилинган Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» номли («Nuit» — «Тун») романи илмий тадқиқотлар учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, таржима соҳасида жуда фаол бўлган француз олимлари жумладан, Ф.Мориакнинг «Илонлар чангалида» романи (1995, Ш.Минаваров), Вольтернинг «Задиг ёки тақдир» қиссаси (1995, Р.Қиличев ва М.Холбеков), Ш.Л.Монтескенинг «Форсномалари» романи (1999, Ш.Минаваров, Р.Қиличев, Ҳ.Орзиқулов), Л.Кереннинг «Амир Темур салтанати» романи (1999, Б.Эрматов), Ш.Перронинг «Она ғоз эртаклари» (2000), Ле Клезионинг «Мондо» (2000, Ш.Минаваров) ҳикоялар тўпламлари француз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда асарларнинг асосий маънолари сақланиб қолган. Албатта таржима жараёнида маънонинг сақланиб қолишига буюк таржимашуносларимизнинг маҳорати таҳсинга сазовор. Ҳар қандай бадиий асар ўзига хос таъсир кучига эга. Миллий адабиёт ўз сарҳадларида эмас, балки бошқалқарадабиётига ҳам таъсир кучини ўтказиб, ўз изини дунё адабиётига қолдира оладиган, яъни коммуникатив мулоқотни таъминлайдиган асосий восита ҳисобланади. Адабиётлараро ўзаро таъсирларнинг ёрқин ифодаси шубҳасиз таржимачилик соҳасида аниқ кўринади. Ҳозирги кунда таржимашуносликка эътибор берилётган бир пайтда тилни маданият билан ўзаро боғлиқлиги бўйича ўрганиш жуда долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Таржима масалаларига бағишланган жуда кўп илмий адабиётлар мавжуд, аммо бу ҳали давом этаётган таржима муаммолари, шу жумладан, миллий ва маданий муаммоларни тугади дегани эмас. Аксинча, бу масала «маданиятлараро мулоқот», «икки маданият ўртасидаги алоқа» каби таржимага бўлган қизиқишнинг ортиши нуқтаи назаридан янада долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки дунё ривожланаётган бир пайтда давлатлар ўртасидаги мулоқотда жуда кўплаб муаммолар бўлиши одатий ҳолдир. Ушбу қизиқишнинг ривожланиши маданият ҳодисасини дунёда инсон ва жамият мавжудлигининг ўзига хос шакли сифатида тушунишга интилиш билан боғлиқ. Ўзбек мумтоз адабиётида айрим бадиий–эстетик ҳодисалар бадиий таржима тўғрисида аслий ижодга қараганда анча илгари содир бўлган эди.

Таржимашунос олим, «ўзбек таржимачилигининг отаси», филология фанлари доктори, профессор Файбулла Тожиддинович Саломовнинг: «Дунёдаги бирорта халқ бир-биридан бутунлай айрича ҳолатда яшай олмаганидек, уларнинг маънавий ва моддий ёдгорликлари, адабиёти ва санъати ҳам ҳеч қачон фақат бир миллат чегарасидагина

сақланиб қолган эмас¹» (Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: ТошДШИ, 2016, 13-146) деган фикрлари билан таржимашунос олим бу дунё яхлит ва ягона бўлганидек унда яшаётган халқларнинг ҳар томонлама ривожланишида бир-бирларининг таъсири жуда катта эканлигини айтмоқчи бўлган. Бунга мисол қилиб шуни айтиш мумкинки Ғарб таржимашунослиги, санъати, адабиёти, маънавияти ва бошқа соҳаларнинг ривожланишида албатта Шарқ таржимашунослиги, маданияти, адабиёти, маънавияти ва албатта таржимашуносликнинг роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Яъни IX-X асрларда Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон ҳудудида Ибн Сино, Имом ал Бухорий, Имом ат Термизий, Хўжаи Жаҳон каби олимлар, таржимонлар етишиб чиққан ва уларнинг таржима соҳасидаги буюк ишлари Ғарб олимларининг пайдо бўлишида ва улар яратган асарларнинг пойдевори бўлган.

Бадий матнлар муаллифнинг субъектив рефракциясида тақдим этилган халқ маданияти, маълум бир халқ яшайдиган ҳақиқатни акс эттириш воситасидир, бу уларни бошқа маданий муҳитда тақдим этишда таржима қилишда маълум бир қийинчилик туғдиради. Бадий асарларни таржима қилишда маданий жиҳатни ҳисобга олиш нафақат тилшунослик, балки маданий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишни ўз ичига олади, бу эса таржимани маданиятлараро мулоқотнинг бир тури сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Ушбу атамада маданиятга боғлиқ сўзлар ва ибораларни бир тилдан бошқа тилга қандай таржима қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбек таржимашунос олими Ғайбулла Саломов таржима ҳақидаги «Бадий асарлар таржимасининг хусусияти шундаки, у чинакам нафис нарсдан баҳраманд этишдан ташқари, хусусан, эстетик туйғуни ўстиришга, дид пайдо қилишга ва нафис нарса тўғрисида ҳаққоний тушунча тарқалишига хизмат қилади» деган фикрлари халқлар ўртасидаги қайси соҳа бўлишидан қатъий назар таржимашуносликнинг роли ниҳоятда катта эканлигини кўрсатиб турибди десак муболаға бўлмайди. Нажмиддин Комилов эса таржима асарини бошқа халқ яратган нарсдан айнан кўчирилган нусха эмас, балки «бошқа тилдаги бадий гўзалликни ўз халқи учун ижодий ўзлаштириш, янги тилнинг қуввати ва қудратини намойиш этиб, асарни шу тилнинг санъат ҳодисасига айлантириш» эканлигини таъкидлаган эди.

References

¹(Ғ.Саломов.Таржима назариясига кириш. – Тошкент: ТошДШИ, 2016, 13-146)

1. F.Саломов. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: ТошДШИ, 2016, 13-146.
2. R. Shirinova. “Kecha va Kunduz” romani fransuz tilida. O‘zbekiston adabiyoti va san‘ati» gazetasining 2013 yil 46-soni.
3. R. R.Radjabov “The role of literary translation in the development of eastern and western culture, art and literature”. Innovation in the modern education system. Washington, USA.25th February 2021.
4. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар. – Т.: Фан. 1972.
5. D.Sh.Islomov. (2021). The Definition of The Concepts of "Phoneme" and "Phonostylistics". Middle European Scientific Bulletin, 9. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.9.204>
6. Д.Ш Исломов. “Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку”. Статьи в Академии Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2015.
7. Д. Исламов, Н.В. Ванцова, Т.М. Хусяинов – “Возможности использования проектной методики при преподавании иностранных языков” Наука. Мысль: электронный периодический журнал, 2016.
8. Mavlonova U. K., Maxmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.
9. Ugiloy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS
10. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. Similarities and Differences between types of Comic // International Journal on Integrated Education. September 2020, Volume 3, Issue IX. <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>
11. Kodirov D. H. SPIRITUAL-MENTAL RESEARCHES OF ABU HAMID GHAZALI // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) – Vol. 2 No. 2, February 2021, -p. 73-74.
12. Qodirov D.H. THE PERIOD IN WHICH GHAZALI LIVED: THE SOCIO-POLITICAL SITUATION AND THE SPIRITUAL ENVIRONMENT//International Journal on Integrated Education. – 2020. – Т. 3. – №. 9. – С. 108-111.

13. Qodirov D. H. Abu Homid Gazzoliy asarlaridagi tasavvuf leksikasi// Ozbekiston milliy axborot agentligi- OzA ilm-fan bolimi (electron jurnal). – 2021. – №. 2. – C. 242-250.
14. Qodirov D.H. GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING//Scientific Bulletin of Namangan State University, 2020. - №. 10., p. 256-260.
15. Kadirov D.H “AL-MAVAHIB US-SARMADIA” AND THE SOURCES GIVEN IN IT CONCERNING THE NAKSHBANDI TARIKAH// The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 3., p.18-26.